Ўйлайманки, барчамиз жисмоний тарбияни жиддийроқ қабул қилишимиз керак. Фақат зарарли нарсдан қутулиш ва ҳаётингизга фойдали нарсаларни киритиш орқали аста-секин янги, тўғри ва соғлом босқичга ўтиш мумкин.

### **Библиографический список:**


---

1. Физическая культура и спорт. Сборник студенческих работ / под ред. Э.В. Овчаренко. - Москва : Студенческая наука, 2012. - 2299 с.
2. Васильева О.С., Правдина Л.Р., Литвиненко С.Н. Книга о новой физкультуре (оздоровительные возможности физической культуры). Коллективная монография. Ростов-н/Д.: Изд-во "Центры валеологии ВУЗов России", 2001.-141 с.
3. Барчуков И.С. Физическая культура и спорт: методология, теория, практика: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / И.С. Барчуков, А.А. Нестеров; под общ. ред. Н.Н. Маликова. - 3-е изд. - М.: Издательский центр "Академия", 2009.- 528 с.
4. Брехман И. И. Валеология - наука о здоровье / И. И. Брехман. - М., 1990. - 510 с.
5. Дубровский В.И. Лечебная физическая культура (кинезотерапия): Учеб. для студентов Высших учебных заведений. - 3-е изд-е, испр. и доп. - М.: Гума-нит.-изд. центр "Владос", 2004. - 624 с.

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

**Зохид Шуқуриллаевич Алимардонов,**  
Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти  
Психология ва педагогика кафедраси доценти  
п.ф.б.ф.д (PhD), майор

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-5>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасалари ҳарбий хизматчиларининг мустақил таълим жараёнида касбий компетентлигини шакллантиришнинг долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари ёритилган. Шунингдек, мустақил таълим жараёнида олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий хизматчиларнинг касбий компетентлигини янада шакллантиришни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** мустақил таълим, олий ҳарбий таълим муассасаси, ҳарбий хизматчи, касбий компетентлик, шакллантириш, такомиллаштириш.

## РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ОФИЦЕРОВ В ПРОЦЕССЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье излагаются актуальные проблемы формирования профессиональной компетентности военнослужащих в высших военно-образовательных заведениях Республики Узбекистан в процессе самостоятельного обучения и пути их решения. А также представлены предложения по формированию и усовершенствованию профессиональной компетентности военнослужащих в высших военно-образовательных заведениях в процессе самостоятельного обучения.

**Ключевые слова:** самостоятельного обучения, высшее военное учебное заведение, военнослужащие, профессиональной компетентность, формирование, усовершенствованию.

## DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE OFFICERS IN THE PROCESS OF INDEPENDENT LEARNING

### ANNOTATION

This article outlines the urgent issues of the formation of professional competence in the process of independent training of servicemen of the higher military education institutions of the Republic of Uzbekistan and ways of their solution. Also, proposals for improvement of professional skills of servicemen in higher education institutions were prepared during the independent study process.

**Key words:** independent education, higher military education institution, military servicemen, professional competence, forming, improvement.

Мустақиллик йилларида замонавий талаблар асосида ҳарбий таълим сифатини ошириш, жумладан олий ҳарбий таълим муассасалари ҳарбий хизматчиларининг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислохатлар натижасида, олий ҳарбий таълим муассасаларининг ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик ва моддий-техник таъминоти мустаҳкамланди, олий ҳарбий таълим муассасалари мутахассисликларининг Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологиялари татбиқ қилинди. Шулар билан бир қаторда бугунги кунда, Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган офицер кадрлар билан тўлдириш имконини бермоқда. Шу боисдан, олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятини компетентли ёндашув асосида янада жадаллаштириш зарурати кўзга ташланмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини мустақил таълим жараёнида шакллантиришни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор курсантнинг берилган мавзулар (топшириқлар)ни мустақил равишда бажариши, ўқиб ўрганиши, шу йўналиш бўйича билимларини чуқурлаштириб, амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилади. Замонавий, компетентли ўқитувчининг маҳорати курсантга фақат дарсликда мавжуд билимни бериш билан эмас балки, уларни мустақил, онгли равишда ўз устида ишлашга, эркин ва мантиқан фикрлашга, қарашларини гуруҳ жамоаси олдида ҳимоя қилишга ўргатиши билан баҳоланади. Чунки глобллашув жараёнида ахборотлар оқимининг тез суръатлар билан кенгайиб бораётганлиги, фан ва техника тараққиётида бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, курсант ва тингловчиларнинг ахборот коммуникация технологияларидан саводхонлик даражасининг ошиб бориши барча маълумотларни фақат дарс жараёнида улар онгига сингдириш имкониятини бермайди. Ушбу масалани оптимал ҳал этишнинг асосий шакли мустақил таълим ҳисобланади.

Шу боисдан, ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб курсантда ўз қобилияти ва

ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Курсантлар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган курсант фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи учун зарур деб ҳисоблаган кўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Олий ҳарбий таълим муассасасида бўлажак офицерларининг касбий компетентлигини шакллантириш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этувчи баъзи ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат. Жумладан:

олий ҳарбий таълим муассасаси ўқитувчиларининг курсантлар мустақил таълим олишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича касбий-педагогик тайёргарлигини илмий-назарий жиҳатдан доимий ошириб бориш;

курсантларнинг мустақил таълим олиш юзасидан методологик билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш механизмини такомиллаштириш;

курсантлар мустақил таълимнинг шакл ва методлари, мустақил таълим олишни ташкил этиш унинг натижасини назорат қилишнинг илмий-назарий ва методик асосларига оид ўқув-методик адабиётлар, тавсиялар, йўриқномалар, кўрсатмаларни яратишга эътиборни кучайтириш;

хорижий олий ҳарбий таълим муассасаларининг мустақил таълимни ташкил этиш бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимимизга имплементация қилган ҳолда жорий этиш;

мустақил таълимни ташкил этиш бўйича илмий-методик семинарлар, ўқув курслари ташкил этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Педагог олимлар Н.Муслимов ва О.Қўйсинавларнинг фикрларига кўра ижтимоий фаол таълимда, касбий маҳоратини оширишда юқори натижаларга эришишга интилувчи, педагогик касбини танлаш ва эгаллаш ишида жамият эҳтиёжларидан келиб чиқувчи шахсни шакллантиришда мустақил таълим муҳим омил сифатида қаралади [1].

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқдир. "Мустақил фикрлаш-инсоннинг ўз олдида турган муаммоларни мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир" [2].

Олий ҳарбий таълим муассасалари ҳарбий хизматчилари билан мустақил таълимни ташкил этишда ўқитувчининг асосий вазифаси ҳар бир курсант шахсининг ўқитиладиган фан бўйича унинг кучли ва ожиз томонлари, индивидуал имконияти, қизиқиши, қобилияти ва иштиёқлари устида илмий, назарий, методик томондан ишлашдан иборатдир.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, курсантларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак бўлади.

Бўлажак офицерларининг мустақил таълимда шуғулланишлари учун, уларнинг

касбий компетентлиги ва академик ўзлаштириш даражасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;

амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш; маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;

лойиҳаларини бажариш;

диплом ҳимояси учун материаллар тўплаш;

амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;

илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;

амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш;

мустақил ишларни бажариш ва бошқалар.

Педагог олимлар Б.Раҳимов, Р.Бобоёров, Ф.Бабаяровларнинг фикрларига кўра талаба мустақил таълимнинг асосий мақсади - талабада муайян ишларни мустақил ҳолда бажариш учун лозим бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиришдир[3].

Олий таълим муассасаси талабасининг мустақил таълими:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- адабий, илмий ва махсус манбалардан керакли маълумотларни излаб топишга қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;

- ўқув адабиётлари, интернет тармоғи, ахборот ресурслари ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;

- маълумотлар базасидан оқилона фойдаланиш ва таҳлил қилиш;

- мустақил равишда топшириқ ва вазифаларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;

- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва жамоада ҳимоя қилиш каби бир қатор муҳим вазифалардан иборатдир [4].

Фаннинг хусусияти, курсантларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар курсантларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда курсантларга мустақил иш учун, бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Курсантларга бериладиган топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, курсантларнинг аудитория машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

Топшириқни бажариш жараёнида курсантлар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадилар, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Курсантнинг қизиқиши ва қобилиятига қараб, унга илмий ҳарактердаги топшириқлар бериш, ўқитувчи билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш

ва чоп этириш мумкин.

Ҳар бир бўлажак офицернинг касбий компетентлигини шакллантириш учун, мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тақдимотлар тайёрлаш шунингдек, муммоли мавзулар бўйича тайёрлаган тематик маърузалар, рефератлар, ижодий иншолар, аннотация ва эсселар кафедраларда ҳимоя қилиниши керак.

Олий ҳарбий таълим муассасаси бўлажак офицерларининг касбий компетентлигини шакллантиришда мустақил таълимни ташкил этишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланиш ўзининг самарасини беради:

1. Аудиториядан ташқари мустақил таълим.

2. Бевосита ўқитувчи билан курсант ҳамкорлигида аудиторияда бажариладиган мустақил таълим.

3. Илмий-ижодий, жумладан илмий-тадқиқот, бадиий-оммабоп асарлар яратиш ва б.қ.

4. Ижтимоий-ҳаётий жонли коммуникатив алоқа ўрнатиш.

Олий ҳарбий таълим муассасасида аудиториядан ташқари мустақил таълимнинг шакллари, мақсади, фан характери, соатлар миқдорига қараб турлича ташкил этилади:

маъруза, семинар, амалий машғулотларда ўрганилган мавзуларни мустаҳкамлаш ҳамда тўлдириш мақсадида қўшимча материаллар устида мустақил ишлаш;

матбуотда эълон қилинган ижтимоий характердаги оммабоп мақолалар, илмий-назарий рисоалар, илмий-методик журналлар материаллари, ўқув ва методик қўлланмалар, монографиялар асосида рефератлар, тақдимотлар, аннотациялар тайёрлаш;

жорий ва оралиқ назорат ишлари, тест торшириқларига мустақил тайёрланиш;

муммоли мавзулар бўйича тематик маърузалар, тақдимотлар, рефератлар, ижодий иншолар ва эсселар ёзиш;

ўрганилаётган мавзу бўйича кўргазмали қуроллар, диаграмма, жадваллар, расмлар тайёрлаш ва бошқалар.

Олий ҳарбий таълим муассасаси бўлажак офицерларининг касбий компетенциясини шакллантиришда мустақил таълим учун танланадиган материаллар ўзига хос характерга эгадир. Танланган материал ижтимоий ҳаётий мазмунга эга бўлиши, долзарб масалалар ҳақида қизиқарли воқеа-ҳодисаларга бой бўлиши, уларни хизмат фаолиятига фаол тайёрлашга хизмат қилиши назарда тутилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаси бўлажак офицерларининг касбий компетенциясини шакллантиришда мустақил ишларнинг мазмуни, шакли, методи ва ҳажмини белгилашда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитувчи ва курсантнинг мустақил таълимни ташкил этишнинг илмий-назарий, методологик асослари билан қуролланганлик даражаси;

- бўлажак офицернинг ҳарбий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга қизиқиш ҳолати;

- фаннинг ўзига хос хусусияти, курсантларнинг фанга қизиқиш даражаси уни ўзлаштиришдаги ҳолати;

- курсантнинг касбий қобилияти, назарий ва амалий билим савияси;

- фаннинг дарсликдан ташқари қўшимча манбалар билан таъминланганлик даражаси;

- курсантнинг мустақил топшириқларни инновацион шакллари билан, АКТ воситаларидан фойдаланиш имконияти ва бошқалар.



Олий ҳарбий таълим муассасаси бўлажак офицерларининг касбий компетентлигини шакллантиришда мустақил таълим олишнинг мустақиллик, мантиқийлик, эркинлик, фаоллик, изчиллик, ташаббускорлик, системалилик, ижодкорлик, қиёсий таҳлил, ҳаққонийлик, толерантлик ва қизиқувчанлик каби тамойилларга амал қилиниши ўзаро алоқадорликда ва мутаносибликда мустақил таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаси ҳарбий хизматчиларида мустақил билим олиш эҳтиёжларининг ривожланиши уни фаолиқка ижодкорликка ундайди ва шу билан бирга унинг олдида дарслиқда берилган маълумотларга қўшимча равишда касбга оид билим ва малакаларни эгаллаш вазифасини қўяди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**


---

1. Н.Муслимов ва О.Қўйсинов. Талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. Ж// "Таълим муаммолари" №1. Т., 2009. 38-41 б.
2. Раҳимов Б., Бобоёров Р., Бабаяров Ф. Талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг баъзи масалалари. Ж// "Таълим муаммолари" №1. Т., 2009. 22-23 б.
3. Қаршибоев Ҳ., Олий таълимда талабалар мустақил ишларини ташкил этиш. Ж// "Таълим муаммолари" №4. -Т., 2009. 26-28 б.
4. Раҳимов Б., Бобоёров Р., Бабаяров Ф. Талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг баъзи масалалари. Ж // "Таълим муаммолари" №1. Т., 2009. 22-23 б.

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

**Илҳом Болтаевич Шукуров**  
Бухоро давлат тиббиёт институти доценти  
**Ферузжон Фахриддинович Умутов**  
Бухоро давлат тиббиёт институти ўқитувчиси

## МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТАРИХИДА "КОМИЛ ИНСОН" МАСАЛАСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-6>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада комил инсоннинг миллий таълим-тарбия тарихидаги ўрни таҳлил қилинган, шунингдек ушбу тушунчага таъриф берилган. Муаллиф ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг комил инсон хусусидаги қарашларига алоҳида эътибор қаратган.

**Калит сўзлар.** Комил инсон, глобаллашув, инсонпарварлик, ахлоқий қадриятлар.

**Илҳом Болтаевич Шукуров**  
Доцент Бухарского государственного медицинского института  
**Ферузжон Фахриддинович Умутов**  
Ассистент Бухарского государственного медицинского института

## ПРОБЛЕМА "ИДЕАЛЬНОГО ЧЕЛОВЕКА" В ИСТОРИИ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль совершенного человека в истории народного образования, а также описывается это понятие. Автор уделяет особое внимание на взгляды Средневековых восточных мыслителей об идеальном человеке.

**Ключевые слова.** Идеальный человек, глобализация, гуманизм, моральные ценности

**Ithom Boltsevich Shukurov**  
Associate Professor of Bukhara State Medical Institute  
**Feruzjon Umurov**  
Assistant of Bukhara State Medical Institute

## PROBLEM OF "PERFECT PERSON" IN THE HISTORY OF PUBLIC EDUCATION AND EDUCATION

### ANNOTATION

The article analyzes the role of the perfect person in the history of public education, and also describes this concept. The author pays particular attention to the views of medieval thinkers about the ideal person.

**Keywords.** The ideal person, globalization, humanism, moral values

Глобаллашув замонида ёшларимизни хар томонлама етук мукамал ва зукко бўлмоғи замон талабига айланиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир пайтда истиқлолнинг моддий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ҳамда давлатимиз куч - қудрати, эртаимиз келажаги бўлган ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялаш, олдимизда турган энг буюк мақсаддир. Республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг пировард натижаси ёшларимизнинг маънавияти, маданияти, онгу шуурига боғлиқдир. Бу борада мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чоратadbирлар изчил амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-таadbирлари тўғрисида"ги 2018 йил 14 августда қабул қилинган ПҚ-3907-сонли Қарорига мувофиқ, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чоратadbирлар дастури тасдиқланган эди. Унда юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;

ёшларни ёт гоълар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;

педагог ходимларнинг қадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

ўқувчи-ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби вазифалар белгилаб берилган эди.

Жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам баркамол шахсни тарбиялаш долзарб муаммо бўлиб келган. Инсон шахс даражасига етиши учун унинг онги, фаолияти, ўз-ўзини англашидан иборат ички йўналтирувчи механизми муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг шахс сифатида ривожланиши унинг қизиқиши, характери, қобилияти, ақлий ривожланганлиги, эҳтиёжлари, меҳнат фаолиятига муносабати билан белгиланади. Ана шу хусусиятлар ривожланиб, инсоннинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати маълум

босқичга етгандагина у баркамол шахс даражасига кўтарилади. "Баркамол" тушунчаси луғавий жиҳатдан "камолга етган", "бекамукўст", "етук", "тўкис", "мукамал" деган маъноларни англатиши таъкидланади [2].

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов комил инсонга шундай таъриф беради: "Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади" [1].

"Баркамол шахс", "комил инсон" масаласи миллий таълим-тарбия тарихида асосий ўрин эгаллаган. Жумладан, Форобий асарларининг марказида инсон масаласи туради. Унинг фозил жамоа, давлат ва унинг бошлиғи фаолияти, фазилат, камолот, бахт-саодат тушунчалари бевосита комил инсон билан узвий боғлиқдир. Олимнинг фикр юритишича, инсон туғилгандан фазилатларни эгаллашга, етуклик ва камолотга интилади. "Ҳар бир инсон, - деб таъкидлайди аллома, - бошидан комил эмас, аммо туғма равишда ўзига хос бўлган ички шуур ила босқичма-босқич комилликка жидду жаҳд билан интилади. Ҳамма нарсани идрок қилиш инсонни комиллик ва лаззат томон бошлайди. Инсоннинг асл руҳий камолоти биринчи Ҳақни таниш орқали ҳосил бўлади ва шунинг ўзи, айна вақтда маърифат, бахт-саодат ва лаззатнинг ҳам ўзидир" [3]. Демак, Форобийнинг ақидасига кўра, камолотга эришиш билим орқали, фазилатларни эгаллаш, хайрли ишларни амалга ошириш орқали рўёбга чиқади.

Қуръони карим ва ҳадисларда инсоннинг бу дунёда бажарадиган ишлари, инсонпарварлиги, хулқ-одоб қоидаларига риоя қилиши, хайрли ишлари тўғрисида кўп гапирилади. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, Қуръони каримда яхши ишлар ва солиҳ амаллар - 31 марта, эзгу ишлар - 12 марта, хайр-эҳсон, садақа, меҳр-шафқат - 40 марта, ҳидоят йўли - 5 марта тилга олинади [4].

Навоийнинг дунёқарашада карам, эҳсон, меҳр-мурувват, тавозеъ, камтарлик, нафсни жиловлаш, хайрли ишлар, адаб, солиҳ амаллар бир-бирига боғлиқ тушунчалар сифатида талқин қилинади, бир-бирини тўлдиради, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Ушбу ахлоқий қадриятларнинг ҳаммаси бирлашиб, инсонпарварликни ташкил қилади. Улар инсонни комил инсон қилиб тарбиялашда, бахтли, саодатли бўлиб етишишида муҳим асос, пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ҳазрат Навоий карам ва эҳсонни жуда кенг маънода тушунади. Шоирнинг таъкидлашича, карам бировнинг оғир юкини, машаққатли турмушини енгиллаштиришни англатади. Лекин инсон ўзининг қилган яхшилигини, ёрдамини миннат қилмаслиги, юзига солмаслиги, эсан чиқариши даркор. Эҳсон эса, одамгарчиликнинг асоси, бутун инсоний сифатлар, гўзал хислатлар ва малакаларнинг мажмуидир, "у барча яхшиликларни ўзида тўплаган ва бари яхшиликлар ҳақиқатан унга тегишлидир" [5].

Ҳусайн Воиз Кошифий Ўрта Осиё ва Хуросоннинг машҳур ахлоқшунос мутафаккиридир. Кошифий ўзининг "Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати" асарида футувват илмининг моҳияти, унинг мавзуи, келиб чиқиши, пиру муридлик, шайхлик ва шогирдлик муносабатлари, сўфийлар ва футувват ахлига қўйиладиган талаблар, фирқа шартлари, улар киядиган либослари, бош кийимлар хулқ-одоби ҳақидаги фикрлар батафсил баён қилинади [6]. Кошифий комил инсоннинг ўн ҳил фазилатларини келтиради:

Биринчиси, хайрли ишларда инсонлар билан низога бормаслик;

Иккинчиси, хар қандай ҳолатда ҳам, хис туйғу ва эҳтиросни жиловлай олиш. Учунчиси, бировларнинг айбини, нуқсонини қидирмаслик.

Тўртинчиси, инсонлар бахтсизлигига ҳамдард бўлиш.

Бешинчиси, бир инсон айб иш қилса, ва у ўз айбига иқдор бўлса, уни кечирмоқ. Олтинчиси, ёрдамга муҳтож инсонларга, қўлдан келганча ёрдам бермоқ.

Еттинчиси, инсонлар бахт-саодати учунғамхўрлик қилиш. Саккизинчиси, инсон ўзидаги бор камчиликни кўра била олиши ва уни тузатмоғи.

Тўққизинчиси, гўзал хулқ одобга эга бўлмоқ.

Ўнинчиси, ширинсуханлик ва хушмуомлалиқдир" [7]. Хусайн Воиз Кошифий "Ахлоқи Мухсиний" асарида баркамол инсон ҳақида, ва у эгаллаши зарур бўлган маънавий-ахлоқий гўзал фазилатлар ҳақида сўз юритади. Ушбу фазилатлар инсон комиллигининг замини бўлиб хизмат қилади.

Педагогикада баркамол шахс тарбияси тарихини биринчилардан бўлиб тадқиқ этган С.Нишонова мазкур тушунчага ҳам тарихий, ҳам замон талаблари нуқтаи назаридан ёндашади ва қуйидагича тавсифлайди: "Баркамол инсон - бу ўзида маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, ақлан етук, юксак степод ва салоҳиятга эга бўлган, маънавий жиҳатдан юксак, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган эркин ижодкор шахс" [8].

Рус олими И.П.Подласий фикрича, "Баркамол инсон - тарбиянинг олий мақсади, унга интилиб яшайдиган идеал. Бу идеал тарбиянинг буюклиги ва инсоннинг табиатан номукамаллигини англаш ҳамда тарбиянинг буюклигига ишонч асосида пайдо бўлган. Жамиятнинг мақсади барча инсонларни ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат" [9].

Бизнинг фикримизча, баркамол шахс - бу ақлан ва руҳан етук, юксак степод ва салоҳиятга эга бўлган, маънавий бой ахлоқан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, жамиятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидоий шахс.


## АДАБИЁТЛАР

- 1.Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Мулоқот. - Т.: 1998. - № 5. Б. - 3.
- 2."Ўзбек тилининг изоҳли луғати". Москва: Рус тили нашриёти, 1-том, 1981. 82 б.
- 3.Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. - Т.: Ёзувчи, 2002. - 14 б.
- 4.Эзгулик йўлида. - Т.: Чўлпон, 2006. - 70 б.
- 5.Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар. 13-Том. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. - 213-214 б.
- 6.Х.Алиқулов, Р.Носиров, М.Қодиров, Р.Омонбоева, А.Ашуров. Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. Ўқув қўлланма. Андижон. 2005й.36-б.
- 7.Х.Алиқулов. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида.Т. Адолат. 1995-й.30-б.
- 8.Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: пед.фан.док...дисс. - Т.: 1998.- 288 б.
- 9.И.П.Подласий. Педагогика. Новый курс. Общие основы. Процесс обучения/ Учебник для студ.пед.вузов. - М.: Владос, 1999-576 с.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР  
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ  
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

**Илҳом Болтаевич Шукуров**  
Бухоро давлат тиббиёт институти доценти  
**Ферузжон Фахриддинович Умутов**  
Бухоро давлат тиббиёт институти ўқитувчиси

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ  
ТАЪМИНЛАШ - РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-7>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, шунингдек халқаро стандартларга уйғун олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар хусусида фикр юритилади.

**Калит сўзлар.** Таълим системаси, халқаро таълим стандартлари, баркамол инсон, педагогик ахборот технологиялари

**Илҳом Болтаевич Шукуров**  
Доцент Бухарского государственного медицинского института  
**Ферузжон Фахриддинович Умутов**  
Ассистент Бухарского государственного медицинского института

**ОБЕСПЕЧЕНИЕ КАЧЕСТВА В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ  
ЗАВЕДЕНИЯХ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОДГОТОВКИ  
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОГО ПЕРСОНАЛА**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье раскрывается совершенствование системы образования в нашей стране, а также проводимые всесторонние реформы для его соответствия на мировые стандарты.

**Ключевые слова:** система образования, мировые стандарты образования, совершенно развитый человек, педагогические информационные технологии.

**Ithom Boltavovich Shukurov**  
Associate Professor of Bukhara State Medical Institute  
**Feruzjon Umurov**  
Assistant of Bukhara State Medical Institute

## QUALITY ASSURANCE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS IS AN IMPORTANT FACTOR OF PREPARATION OF COMPETITIVE PERSONNEL

### ANNOTATION

This article reveals the improvement of the education system in our country, as well as comprehensive reforms being carried out to ensure its compliance with international standards.

**Keywords:** educational system, global education standards, perfectly developed man, pedagogical and information technologies.

Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан ўзгариш ва янгиланишлар рўй бермоқда. Ушбу ислохотлар юртимиз тараққиётида инсон манфаатларига йўғрилган, қонун устуворлигига таянган, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олган, инсон руҳиятини уйғотган, тадбиркорларга янгича гайрат ва шижоат бағишлаган, аҳолининг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаган сифат жиҳатдан янги бир босқич бошланганлигини англататади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда: "Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Инсониятнинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Жаҳон миқёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршилиқлар, савдо урушлари ғоят кескин тус олмоқда. Мана шундай мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айни вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт" [1], - деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-октябрдаги ПФ-5847- сон Фармони [2] қабул қилинди.

Бугунги туб янгиланишларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ғоявий асосини, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси [3] ташкил этади.

Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, таълим тизимининг узлуксизлигини янада такомиллаштириш мақсадида сифатли таълим хизматлари имкониятларини

ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш энг муҳим вазифалардан этиб белгиланган. Хужжатда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги таълим муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш баробарида, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган. Эътиборли жиҳати, мазкур хужжат ўз ичига таълим тизимини боғчадан то олий таълим муассасасигача такомиллаштириш, сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича қатор долзарб мақсад-вазифаларни қамраб олган. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг ўндан ортиқ қарорлари, шунингдек, бир қатор комплекс чора-тадбирлар дастурлари, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилганлиги ҳам мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ этишга қаратилган мақсадлар кўламининг нечоғлик юқорилигини ифода этади.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, пулик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллигини босқичма-босқич ривожлантириш назарда тутилганлиги долзарб аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ҳудудлардаги олий ўқув юртлари учун илмий-педагогик кадрлар захираси яратиш, таянч олий таълим муассасаларида магистратура ва докторантурага мақсадли қабул ташкил этилишининг кўзда тутилиши бугунги кунда кўзга яққол ташланиб келаётган бўшлиқнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Инклюзив таълимни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларининг сифатли таълим олиш имкониятларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам ижтимоий аҳамиятга эга. Хусусан, тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар, ота-она қаровисиз қолган болалар ҳамда 1-гуруҳ кўзи ожиз ногиронларга олий таълим муассасаларига қабул қилишда алоҳида давлат гранти ажратган ҳолда имтиёзлар белгилаш, ҳудудлар кесимида айрим йўналишлар бўйича мақсадли қабул квоталарини тасдиқлаш, олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни рағбатлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш белгиланганки, бу ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламининг олий таълим олишига қулайликлар яратади.

Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясига асосан ишлаб чиқилган илм-фан соҳасини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, илмий-тадқиқот муассасаларининг инновацион инфратузилмасини ривожлантириш, истиқболли соҳаларда кичик инновацион корхоналар, технопаркларни ташкил этиш ҳамда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтироларга бўлган ҳуқуқлар ва бошқалар) бузганлик учун жавобгарликни, шунингдек, бу соҳадаги давлат назоратини кучайтириш белгиланган.

Айниқса, мазкур хужжатда белгиланган мақсадлар доирасида Президентимиз томонидан 2017 йилнинг 16 февралда имзоланган "Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонга [4] асосан, мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг уч йилга мўлжалланган



икки босқичли тизимга ўтилиши жуда катта аҳамият касб этади. Қолаверса, Ҳаракатлар стратегиясига асосан, 2017 йилда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур вазифаларнинг ижроси бугун олий таълим тизимида ҳам маълум бир ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилинганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Қарор билан олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар турар-жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланишини мазкур соҳага нечоғлик юксак эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Республика Президентининг мазкур қарори асосида, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган айрим олий таълим муассасалари ихтисослашувининг ўзгартирилгани ҳам замон талаби ва меҳнат бозоридаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. Қолаверса, ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш педагог ва илмий ходимлар малакасини ошириш бўйича "Эл-юрт умиди" фонди томонидан олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитишнинг ташкил этилиши ўсиб келаётган ёш авлодни АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва шу каби бошқа давлатларнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида таҳсил олиши ва улар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига замин ҳозирлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, таълим ва ўқитиш сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш мақсадида янги ваколатли давлат органининг таъсис этилиши Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг ҳам келгусида бир қатор обрўли нашрлар тарафидан ҳар йили чоп этиб бориладиган дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлари қаторида бўлишига мустаҳкам пойдевор яратилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳар йили 350 нафардан ортиқ хорижлик юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига кенг жалб этилиши улар билан нафақат тажриба алмашиш, балки ҳамкорликда янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва уларни олий таълим тизимида кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима

қилиш негизда ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб боришга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарорида [5] белгиланган вазифалар ичида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида "талабанинг ўзлаштириш даражаси - профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони" тамойилини жорий қилишнинг аниқ механизмларини белгилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиши кўрсатиб ўтилди. Бунда ушбу тамойил талабларига жавоб бермайдиган профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар кўриш ўз аксини топганлиги, таълим сифатини янада ошириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлардан саналади.

Албатта, бу борадаги вазифаларни амалга ошириш учун катта маблағ сарфланиши белгиланган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратади ва таълим тизимининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, келажак авлоднинг истиқболига хизмат қилиши, шубҳасиз.

## АДАБИЁТЛАР

---

1. "Конституция ва қонун устуворлиги - ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир". Ўзбекистон президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишдаги маърузаси.

2. "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.

3. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони.


4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарори.

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

**Маматова Хилола Мухиддиновна,**  
PhD докторант, Гулистанский государственный  
университет (Гулистан, Узбекистан)

## РАЗВИТИЕ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ: КРЕАТИВНЫЙ ПОДХОД В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-8>

### АННОТАЦИЯ

Данная статья является обзорной и имеет целью изучить теоретические обоснования эффективности креативного подхода в обучении иностранному языку с помощью развития у учащихся эмоционального мышления. Согласно гипотезе нашего исследования, особое внимание учителя к развитию эмоционального мышления у учащихся помогает им не только добиться академических успехов, но и приобрести другой жизненно важный навык - способность к творческой деятельности. Такие навыки необходимы студентам для развития качеств сильной личности и эффективного общения. Результаты нашего обзора подчеркивают важность понимания роли эмоционального мышления в развитии у учащихся способностей, способствующих конструктивному мышлению и продуманным действиям.

**Ключевые слова:** эмоциональное мышление; креативный подход; творчество; достижение; иностранный язык

---

**Mamatova Xilola Muhiddinova,**  
PhD doktori, Guliston davlat universiteti (Guliston, O'zbekiston)

## HISSIY FIKRLASHNI RIVOJLANTIRISH: CHET TILINI O'RGANISHGA KREATIV YONDASHUV

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqola umumiy nuqtai nazarga ega bo'lib, talabalarning hissiy fikrlashlarini rivojlantirish orqali chet tilini o'qitishda ijodiy yondashuvning samaradorligini nazariy asoslarini o'rganishga qaratilgan. Tadqiqotimizning gipotezasiga ko'ra, o'qituvchining o'quvchilarda hissiy fikrlashni rivojlantirishga bo'lgan alohida e'tibori ularga nafaqat akademik yutuqlarga erishishga, balki boshqa bir hayotiy ko'nikmaga - ijodiy qobiliyatiga - ega

